Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 75 (20. 642) • 1990 йил 30 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

Республиканинг келажаги ва халқимизнинг тақдири тўғрисида. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш республика ҳукуматининг вазифасидир.

(ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИДАН).

М. С. Горбачев М. Тэтчер билан телефон орқали суҳбатлашди

28 март куни Буюк Британия бош министри Маргарет Тэтчер М. С. Горбачевга телефон қилиб, уни СССР Президенти лавозимига сайланганлиги билан табриклади. Совет Иттифоқидаги қайта қуриш муносабати билан жаҳонда рўй бераётган чуқур қайта ўзгартиш жараёнларига берган ўз баҳосини тасдиқлади.

Фикр алмашув ҳар доим бўлганидек, ҳамжиҳатлик ва ишонч руҳида ўтди. Ёз фаслида Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги ҳафталиги вақтида олий даражада бўладиган учрашувнинг муҳимлиги таъкидланди. Учрашув кун тартибига икки томонлама муносабатлар ва жаҳон сиёсати, айниқса унинг Европа йўналиши муаммолари киритилган. Германияни бирлаштириш мавзуси ҳам тилга олинди.

М. С. Горбачев М. Тэтчернинг саволига жавоб бериб, СССР Конституциясининг бузилиши натижасида Литва ССРда рўй берган воқеаларнинг ривожини таърифлади.

Улар халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан бир-бирларини хабардор қилиб туришга келишиб олдилар.

(ТАСС).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Ялпи мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Депутатлар республика ҳукуматининг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов таклиф этган янги таркибига номзодларни тасдиқлашга киришдилар.

Яқинда, доимий комиссияларнинг мажлисларида номзодларнинг ҳар бири министрлик ёки идора фаолияти программасини баён этди. Улар министрлар ва давлат комитетлари раисларининг лавозимларига номзодлар шахсини батафсил ўрганишга интилган депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар. Бўлиб ўтган жиддий фикрлашув чоғида номзодларга уларнинг ишчанлик ва инсоний фазилатларига қараб талабчанлик билан баҳо берилди. Депутатлар уларга ўзларининг кўпгина истакларини айтдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг номзодлари тақдим этилган барча биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари, ҳукуматнинг адлия министридан ташқари барча аъзолари тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовга ушбу лавозимга номзодни яна бир бор кўриб чиқиш ва тегишли доимий комиссияларда муҳокама қилингандан кейин Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига таклиф киритиш тавсия этилди.

Паркент районида рўй берган ҳолатлар ва оммавий тартибсизликлар оқибатларини текшириш борасида депутатларнинг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида илгари ташкил этилган комиссия таркибига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Р. А. Абдуллаев, Ж. Маматов, О. П. Фединалар кирди.

30 март куни сессия ўз ишини давом эттиради.



● Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш масалалари депутатларнинг диққат-эътиборида.

Суратларни сессиядаги махсус фотомухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

Республика Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг докладини муҳокама қилаётган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг нутқларини баён тарзида эълон қилишда давом этамиз.

— Ҳукуматимизнинг ҳозирги программасида корхоналарга эмас, одамларга катта эътибор берилган, деди ўз нутқида Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори депутат **Э. Т. Шайхов** (102-Салор сайлов округи). — Бир қанча иқтисодий муаммоларга доир фикрларимни айтмоқчиман.

Биринчидан, оғир иқтисодий аҳволни ҳисобга олганда, колхоз ва совхозларда жуда мураккаб молиявий аҳвол вужудга келди. Бугунги кунда уларнинг давлатдан қисқа муддатга ва узоқ муддатга олган қарзлари 9,9 миллиард сўмни ташкил этади, лекин бу эски қарзлардир.

Хўжаликларнинг 1989 йилда олган соф фойдаси 1 миллиард 200 минг сўмни ташкил этди. Бу эса қарздан қутулиш учун бир неча йил давомида барча фойдани бериш керак деган маънони билдиради. Аввалги раҳбарият бунга эътибор бермаган, деб ўйлайман. Энди бу масалаларни иттифоқ ҳукумати олдига қўйиш ва ҳал этиш керак.

Бугун колхозчи ўрта ҳисобда 73 сўм даромад қилмоқда. Бу иттифоқимиздаги ўртача кўрсаткичлардан анча паст. Ўй-жой билан таъминлаш ишлари ҳам ёмон, уй-жой фондининг катта қисмини сомон сувоқли уйлар ташкил этади. Янги ҳукумат қишлоқ аҳоли пунктларининг атиги 49 фоизи сифатли ичимлик суви билан, фақат 17 фоизи табиий газ билан таъминланганлигига, қишлоқларнинг атиги 7 фоизида канализация борлигига эътиборни қаратиши керак.

Ушбу нуқсонларни яқин вақт ичида тугатиш зарур, деб ўйлайман. Халқ соғлиғи билан боғлиқ ичимлик суви масаласини кўриб чиқиш ва унинг натижаларини келаси сессияда айтиш керак.

Харид нархлари муаммоси ҳам муҳимдир. Корхоналар хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтиши билан катта ҳуқуқларни қўлга киритди. Масалан, газлама ва ипнинг нархи 1988 йилга нисбатан 30 фоиз, ипак газлама нархи 10 фоиз ортди. Колхозчилар эса ҳеч нарса

(Давоми иккинчи бетда).

(Давоми. Боши газетанинг 29 март сонида).

● *Бизнинг суҳбат*

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

12-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Сессия ошкоралик, қизғин баҳс ва мунозара билан ўтмоқда. Сессия қатнашчилари кун тартибидаги кўпгина масалаларни муҳокама қилиш билан бирга жумҳуриятимиз ҳукуматининг келгусидаги фаолият программаси ва Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ш. Р. Мирсаидов маърузасини тинглашди. «Совет Ўзбекистони» мухбирлари айрим сессия қатнашчилари билан ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛСА...

Парда ЗИЁТОВ,

Жиззах ноҳиясидаги «Москва» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи:

— Сессия мунозарали, тортишувлар билан ошкоралик руҳида ўтаётганлиги менга маъқул бўлмоқда. Депутатлар Президент ва Министрлар Совети Раиси олдига жуда кўп муаммоларни қўйишди. Масалан, бизнинг вилоятимизда ҳам муаммолар кўп. Жиззах вилояти Сирдарё вилоятига қўшилганлиги халқимиз ўртасидаги меҳр-оқибатнинг кўтарилишига олиб келди. Кўпгина кадрлар ишсиз қолди. Қурилишлар тўхтади. Вилоятимиз қайта ташкил этилганлиги меҳнаткашларни хурсанд қилмоқда. Бу нарса албатта қатор муаммоларнинг ҳал этилишига ижобий таъсир этади. Чунончи қишлоқларни газлаштириш, ичимлик сув билан таъминлаш, аҳолига томорқа бериш, уй қуриш учун имконият яратилади.

Жиззах шаҳри ва Жиззах ноҳиясида 210 минг аҳоли яшайди. Шаҳарнинг аҳоли зич яшайдиган жойида оҳак заводи жойлашган. Бу корхона атроф-муҳит экологиясини бузмоқда. Оҳак чанги бутун шаҳар устини қоплаб ётибди. Натижада дарахтлар қовжираб, экин-тикин битмаяпти. Аҳоли орасида эса турли касалликлар, айниқса ичак касалликлари кўпаймоқда. Депутатлар оҳак заводи ишини тўхтатишни талаб қилишяпти. Бу масалани Министрлар Совети олдига ҳам қўйдик. Ўйлаймизки, бизнинг бу ҳақли талабимиз ижобий ҳал этилади.

ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Абдураззоқ УМРЗОҚОВ,

Нурота ноҳиясидаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози директори.

— Сессияда Президент сайланганлиги менга маъқул бўлди. Бу жумҳуриятимизнинг сиёсий-иқтисодий, маффкуравий жиҳатдан мустақилликка эришувида муҳим аҳамиятга эга бўлишига аминман. Чунки Президент юқоридан рухсат сўраб, кўрсатма кутиб ўтирмасдан жумҳурият ичидаги барча воқеаларга нисбатан шошилинч чора-тадбирларни амалга ошириш ва фармон бериш ҳуқуқига эга. Вазиятга қараб меҳнаткашлар манфаатини кўзлаган ҳолда у ёки бу масала ҳақида аниқ фикрга келади.

Жумҳуриятимизнинг бойликлари умумиттифоқ фондига ўтиб кетаётганлиги, биз ҳом ашё етказиб берувчи

(Давоми иккинчи бетда).

Меҳнат коллективларида

БАЙРОҚДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

◆ **«Хорезмводстрой» трести коллективи ўтган йил якунлари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилди.**

Қурувчилар СССР Сув хўжалиги министрлиги ва тармоқ касаба союз уюшмаси Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

Байроқ меҳнат коллективини самарали ишлашга даъват этмоқда. Улар 1990 йил марраларини ҳам забт этиш учун курашиб, январь—март ойлари планларини муваффақиятли адо этдилар. Бош пудрат бўйича бажарилган ишлар ҳажми ортди.

К. ЙЎЛДОШЕВ,
Хоразм области.

ЯНГИ ЗАВОД

◆ **Қизилтепа районида панелли уйсозлик заводи қурилиши бошлаб юборилди.**

Лойиҳа қиймати 8 миллион 570 минг сўм бўлган янги объектни райондаги 211-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари барпо қилишаётир.

Айни кунларда бу ерда қурилиш жадал давом этмоқда. Колоннанинг Бахтиёр Қаюмов бошлиқ участкаси қурувчилари пойдевор ётқизиш ишларини ниҳоясига етказишяпти. Бунёдкорлар завод қурилишини йил охиригача тугатиб, 1991 йил бошида фойдаланишга топширишни мўлжаллаб тўришибди.

Уйсозлик заводи ишга тушгач, йилига 70 минг квадрат метр тайёр панеллар ишлаб чиқаради. Шу билан бирга қизилтепалик минглаб ёшлар ўз иш жойларига эга бўлишади.

Б. МАНСУРОВ,
Бухоро области.

ИЛК МУВАФФАҚИЯТ

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ БАЗЕЛЬ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАДА «СОВПЛАСТИТАЛ»ГА ОЛТИН МЕДАЛЬ ТОПШИРИЛДИ

Бу кўргазма Европада катта нуфузга эга. «Уй учун, оила учун» моллар ишлаб чиқарувчи фирмалар бу ерда ўзларининг янги маҳсулотларини намойиш қиладилар. Шу ернинг ўзида тижорат музокаралари олиб борилади, битимлар тузилади.

Ташкил этилганига ҳали уч йил ҳам тўлмаган «Совпластитал» Совет-Италия қўшма корхонаси бу кўргазмада биринчи бор иштирок этди. Шунга қарамай, муваффақият қозонди.

«Совпластитал»нинг экспозициясида 300 хил буюм бор эди. Шу маҳсулотларнинг ҳаммаси кўргазма тугаши биланоқ талаб бўлиб кетди. Оддий тақинчоқлар, рангли пластмассадан ясалган енгил мебель, пластизолдан ишланган ўйинчоқлар айниқса харидгир бўлиб чиқди. Ҳорижий харидорлар «Петр шахмати» комплектини сотиб олиш учун бир неча юз долларни ҳам аяшмади. XVIII аср бошларига мансуб ҳарбий кийим ва либослардаги шакллар металлга ўхшатиб ясалган. Шуниси диққатга сазоворки, шу маҳсулотларнинг ҳеч бири атайлаб кўргазма учун тайёрланган эмас, улар «Совпластитал»да ҳозир ҳам қўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҲУКУМАТ БЎЛАЖАК ФАОЛИЯТИ ПРОГРАММАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ҲАҚИДАГИ ОЛИЙ СОВЕТ ҚАРОРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ

ТАҲРИР КОМИССИЯСИ

Шайхов Эркин Турдиевич— Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори, профессор, комиссия раиси.

Акмалхонов Шавкат — В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг раиси.

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Давлат нархлар комитетининг раиси.

Бердиев Ҳаким Эшбоевич— Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари, халқ депутатлари область Советининг раиси.

Берков Дмитрий Дмитриевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари.

Жўрабеков Исмоил Ҳакимович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари.

Қодиров Пиримқул — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Каримов Рустам Иброҳимович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси.

Қиличов Тошбўри Раҳимович — Самарқанд область ижроия комитетининг раиси.

Криворучко Виктор Иванович — Самарқанд давлат медицина институтининг кафедра мудири.

Маматисаев Йигит Исаевич— Ўзбекистон ССР молия министри.

Маматов Жаҳонгир — «Совет Ўзбекистони» газетасининг мухбири.

Мирсаидов Шукрулла Раҳматович — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси.

Ризаев Қулаҳмад Тошпўлатович — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи.

Сайдалиев Сайфулла Давирович — Тошкент область ижроия комитетининг раиси.

Салоҳиддинов Маҳмуд — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти.

Сигедин Виталий Николаевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори.

Тожиев Амин Ҳамроевич — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси.

Ҳалимбетов Қозоқ — Хоразм область ижроия комитетининг раиси.

Ҳидиров Темир Пўлатович— Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси.

Шоабдураҳимов Шоиноят Раҳимович — Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

олмадилар. Республикамиз ғалла топширишдан озод қилинса ва бу ғалладан молларни боқишда фойдаланилса, «гўшт» муаммосини ҳам ижобий ҳал этиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги тажрибали мутахассисларга муҳтож, лекин олий ўқув юртимиздаги талабаларнинг ярмига ётоқхоналарда ўрин йўқ. Бу масалани ҳал этиш керак. Жаҳондаги 46 мамлакатдан келган хорижий талабаларга таълим беришдан келаётган миллион сўмлаб чет эл валютасидан ана шу мақсадда фойдаланиш мумкин бўлур эди. Лекин бу пуллар ҳозирча иттифоқ бюджетига тушмоқда.

— Мен экспорт моллари етказиб бериш кенгайганлигига эътиборни қаратмоқчи эдим, — деди Наманган машинасозлик заводининг директори депутат **В. А. Паттаев** (245-Фрунзе сайлов округи). — Кейинги икки йилда маҳсулотни экспорт қилиш масалалари билан жаҳондаги саккизта мамлакатда бўлдим. Сезиларли натижалар бор — 1986 йилда заводимизнинг экспорт маҳсулоти 0,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1989 йилда 30 фоизга етди, бу йил эса 50 фоиз бўлди. Бу корхонамиз ва ходимларимиз ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга ёрдам бермоқда. Бугун ўз ёнингга ўзинг қоврилишинг керак эмас, шериклар билан ўзаро фойдали негизда савдо қилиб, хорижий тажрибадан фойдаланиш лозим.

— Ҳукуматимиз жуда машаққатли йўлга киряпти. Етти ўлчаб, бир кесиб, чуқур ўйлаб қарор қабул қилинадиган вақт келди, — дейди Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори депутат **В. Н. Сигедин** (64-Металлург сайлов округи). — Ҳукумат қарорида республикамиз стратегияси ва тактикаси, у босиб ўтадиган йўл аниқ белгилаб берилган. Лекин мен депутат Криворучконинг режалаштирилган барча ишларга эришиш услублари тўғрисида кўпроқ эшитишни хоҳлардим, деган гапига қўшиламан.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати йилига юзлаб миллион сўмлик маҳсулот чиқарадиган йирик корхонадир. Хўш, бу маҳсулотларнинг ўзи нима? Тошкент кабель заводи тўлалигича корхонамиз бераётган мис ҳисобига ишламоқда. Кислотамиздан Олмалиқ кимё заводи ўғит ишлаб чиқаради. Лекин бу масалаларни ҳал қилиш қанчалик қийин бўлганлигини билсангиз эди! Илгари ҳамма кислотани республикамизнинг ташқарисига жўнатардик, кимё заводимизга эса у цистерналарда ташиб келинарди. Темир йўл бунинг уддасидан қандай чиққанлигига ҳамон ажабланаман. Ҳар қалай Москвага бориб тўғри қарор чиқарилишига эришдик. Ҳозир биз қувурлар орқали ортиқча бир миллион тонна кислотани қўшни кимё заводига юборяпмиз, шундай қилиб барча муаммоларни ҳал этдик.

Хўжалик ҳисоби тўғрисида бир неча оғиз гапирмоқчиман. Хўжалик юритишнинг социалистик принципларини қўпол равишда бузиш ва объектив иқтисодий қонунларни рад этиш бутун мамлакатда оғир оқибатларга олиб келди. Нега шундай бўлди? Комбинат ҳар йили 133 миллион сўм фойда беради, ўзига эса атиги 30 миллион сўм қолади. Ходимларнинг ўртача маоши 240 сўм. Бугун ана шу минбардан Фарғона водийсидаги ишсизлик ҳақида гапирилди. Бизда эса ишлайдиган одам йўқ, инженерлар, малакали ишчилар етишмайди, улар комбинатимизга келишсин. Айни вақтда ҳукуматимизнинг мураккаб режаларини рўёбга чиқариш учун тинчлик керак. Мен республикамиз Президентига тартиб ўрнатиш ва осойишта ишлашга имкон беришни сўраб, илтимос қиламан.

— Ш. Р. Мирсаидов докладида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга доир кўп таклифлар бор, — деб таъкидлади халқ депутатлари Бухоро район Совети ижроия комитетининг раиси депутат **С. Т. Жўраев** (179-Галаосиё сайлов округи). — Тақдим этилган программани тинглар эканман, уни районимизга, эҳтиёжларимизга қиёсладим. Беш йил ичида бутун районни тўла газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш мураккаб вазифа. Лекин ҳар бир депутат ўз жойида бу иш билан шуғулланмаса, бу муаммоларни республика бўйича ҳал этолмаймиз. Бироқ районнинг бунга маблағлари етармикан, у буни қандай амалга оширади? Шу сабабдан программа яхши, деб ҳисоблайман, лекин Министрлар Совети ҳар бир район, ҳар бир қишлоқ Советининг имкониятларини ҳисобга олиши, уларга маблағ билан ёрдам бериши керак.

— Биринчи сессияда уч кундан бери ишлаяпмиз. Президент сайланди, қуруқ гаплар билан шуғулланмай, қонунларни тезроқ ишлаб чиқиш керак, — деди Жиззах шаҳридаги 2-Токчилик» маҳалла комитетининг раиси депутат **М. О. Қобилов** (363-Ульянов сайлов округи). — Кўп қонунларни қабул қилиш ва ҳаётдаги ўзгаришларни тез ҳис этишимиз учун уларни тезроқ рўёбга чиқаришимиз керак. Масалан, қурултойда томорқа учун ер ажратилиши ҳақида гапирилди. Лекин биргина Жиззахнинг ўзида 5 мингга яқин одам ер олиш учун навбат кутиб турибди. Масала ҳеч ҳал бўлмаяпти.

Бошқа ижтимоий, экологик муаммолар ҳам ҳал этилмаяпти. Жиззахда атроф муҳитни қаттиқ бўлғатаётган оҳак заводи, бошқа корхоналар ишлаб турибди. Шу сабабдан комиссия раисига мурожаат этиб, тозалаш иншоотларисиз экологик жиҳатдан зарарли корхоналар қурилишига йўл қўйиш керак эмас, демоқчиман. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишига эътибор бериш зарур. Биз ҳаммамиз республикамиз ғуллаб-яшнаши учун Президентга ёрдам бермоғимиз даркор.

Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари депутат **Х. Э. Бердиев** (361-Ленин йўли сайлов округи) минбарга чиқади.

— Аввалги кўпгина раҳбарлар, илм-фан арбоблари халқнинг орзу-умидларидан йироқлашиб, етилган муаммоларни иттифоқ раҳбарияти олдига қўймас эдилар. Натижада халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари орқада қолиб кетди, меҳнат унумдорлиги паст, маҳсулотнинг сифати ёмон.

Бутун мамлакат каби Сурхондарё области ҳам машаққатли иқтисодий муаммолар азобини тортмоқда. Гарчи қишлоқ хўжалигидаги кўрсаткичлар юзасидан у илғорлар қаторида бўлса ҳам, аммо саноат ишлаб чиқаришида қолоқлар қаторига тушиб қолди. Бунинг сабабларидан бири шуки, область раҳбарлари унчалик фаоллик кўрсатмаяптилар, республика Давлат план комитети билан Министрлар Совети эса Сурхондарё областига дуруст эътибор бермаяптилар. Натижада областимизда ҳақиқий саноат йўқ.

Бу йил аҳвол бирмунча тузатилмоқда. 1990 йил планига мувофиқ, областимизда маҳсулот ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига 322 сўмликни ташкил этади, аммо республикада бу кўрсаткич — 1100 сўм. Сўзда эмас, балки амалда тараққиётни рўёбга чиқариш учун биз ишлаб чиққан программага муфовиқ йирик цемент заводи, бинокорлик материаллари корхоналарини барпо этиш билан бирга чоғроқ корхоналар, район саноат комбинатлари, цехлар ва филиаллар мажмуасини ҳам қуриш кўзда тутилган. Қайта ишлаш базасини жадал ривожлантиришга ҳам қарор бердик. Ҳозир сабзавот маҳсулоти ва пахтанинг, пилла ва жуннинг 70 фоизи Сурхондарёдан ташқарига жўнатилмоқда. Ўн учинчи беш йилликда 30 минг тонна ҳажмли омборхона, консерва заводлари қуришни режалаштиряпмиз.

Бунинг учун капитал маблағ керак, аммо областга бу маблағ етарли ажратилмаяпти. Қурилиш ресурслари етишмайди, ҳолбуки биз уй-жой қурилишинигина эмас, йўл қурилиши ҳажмини ҳам икки ҳисса оширишимиз керак. Қурилишнинг индустриал базаси зарур. Республика Министрлар Совети Раисининг докладида қолоқликни тугатиш тадбирлари кўзда тутилган. Бу ишда биз ҳаммамиз унга ёрдам беришимиз керак.

Гарчи Сурхондарёнинг деҳқончилик саноати ўзини ўзи пул билан таъминлаша ва ўз харажатларини ўзи қоплашга биринчилар қатори ўтган бўлса ҳам, бу ерда қишлоқларнинг ижтимоий-маданий муаммоларини ҳал этиш пайсалга солинмоқда. Биз мустақиллик ҳақида гапиряпмиз, амалда эса бу нарса йўқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳаммасини давлат буюртмаси билан олиб кетмоқдалар. Нима учун ҳукумат лоақал 30-40 фоизни ўз хўжаликларида қолдирмайди? Шундай қилинса, хўжаликлар ўз ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этган, ташқи бозорга чиққан бўлур эдилар.

— Ҳукуматнинг маърузасида иқтисодиётимизни соғломлаштиришнинг аниқ йўллари белгиланган, — деди Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси депутат **Т. П. Хидиров** (230-Ленинград сайлов округи). — Қашқадарё областининг депутатлари бу программани қўллаб-қувватлайдилар, чунки у халқнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келади.

Иқтисодиёт тубдан қайта қуришга муҳтож. Кейинги икки-уч йил ичида фойда олиш тоширқлари бажарилаётган бўлса ҳам, умуман халқ хўжалигининг молиявий аҳволи оғирлигича қолмоқда. Биз иттифоқ кўрсаткичларидан орқада турибмиз. Масалан, уй-жой ва мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш жиҳатидан Қашқадарё республикада охирги ўринда турибди. Область аҳолисининг ярмидан кўпроғи очиқ сув ҳавзаларидан ёки ташиб келтирилган сувдан фойдаланмоқда. Бу эса юқумли касалликлар манбаидир. Қарши, Муборак, Шаҳрисабздагина қисман канализация бор.

Областимиздан республиканинг турли шаҳарларига, Қозоғистонга газ юборилмоқда, Қашқадарёнинг ўзини газлаштириш эса жуда суст олиб борилмоқда. Аҳолининг атиги 20 фоизи, қишлоқ жойларда эса бор-йўғи 5 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда. Бундан биз резервларни излаётганимиз йўқ, деган маъно келиб чиқмайди. Кейинги йилларда барпо этилган саноат, шунингдек қишлоқ хўжалиги ривожланмоқда, суғорма ерлар кенгаймоқда.

Бизда меҳнат ресурслари жуда тез кўпаймоқда. Ҳозир меҳнатга лаёқатли 70 мингдан кўпроқ аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган. Биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётган корхоналарнинг қувватларини оширишга интиляпмиз.

Республика Министрлар Совети 1990 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт программасини маъқуллади. Аммо бу программа жуда суст амалга оширилмоқда. Республика органларининг тузукроқ ёрдамига муҳтожмиз. Ундан ташқари иқтисодиётни соғломлаштириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, юксак рентабелликка эришиш муҳимдир. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни ижарага ўтказиш, бошқарув аппаратини қисқартириш йўли билан бунга эришса бўлади. Бундай корхоналарни давлат буюртмасидан халос қилиш, уларга маҳсулот сотиш эркинлигини бериш, бошқа илғор иш усулларини кўзда тутиш керак. Шу йўл билангина областнинг иқтисодиётини юксалтиришда, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишда ёрдам бериш мумкин.

Хоразм область Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири депутат **З. Иброҳимова** (465-Калинин сайлов округи) қишлоқ хўжалигининг аҳволи тўғрисида ачиниб ва куйиниб гапирди.

— Сессиямиз жуда катта, асос бўладиган аҳамиятга эга. Ҳар бир район ва хўжаликда жуда кўп муаммолар жамланиб қолган. Уларни янгиланган Советлар, республика идоралари, министрликлари иштирокида биргалашиб ҳал қилиш керак.

Биз, қишлоқ меҳнатчиларининг қийинчиликлари жуда кўп. Пиллачилик кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқ эканлиги маълум. Бу соҳада кўпгина бригадалар оила пудрати асосида ишлайди. Лекин улар ўз меҳнатлари учун қанча ҳақ олишяпти? Арзимаган тийинларни олишяпти... Менинг оилам ҳам пиллачиликда пудрат асосида ишлайди. Пиллага тўланадиган ҳақ пилла етиштиришга сарфланадиган меҳнатга мутлақо арзимаслигини ўз аччиқ тажрибамизда кўрдик.

Пахтачилик соҳасида ишлаётган ҳамкасбларимизнинг аҳволи бироз яхшироқ. Ниҳоят уларнинг меҳнатини юқорироқ баҳолайдиган бўлишди. Аммо бу соҳада ҳам ижарачи ва бригада коллективлари зарар кўришяпти. Нима бўлаётганига бир қаранг: ҳақ тўлаш кўпайиб бораётгани билан айни пайтда техниканинг, ўғитларнинг ва бошқа нарсаларнинг нархи ошиб бормоқда. Натижада этакни йиртиб куйлакка ямоқ солишга мажбур бўляпмиз. Халқ депутатлари техниканинг нархи, қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилишлари керак.

Қишлоқ меҳнатчиларини экология аҳволи ҳам ташвишга солмоқда. Биз қорақалпоқ халқи билан қўшнимиз, бир дарёнинг икки соҳилида яшаймиз. Бироқ автоном республиканинг айрим районларида минтақа коэффициенти тўланади, уни бизда ҳам жорий этиш зарур деб ҳисоблайман.

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси депутат **Т. Р. Қиличов** (305-Киров сайлов округи) бундай деди:

— Биз жуда кўп муаммоларни ҳал қилишимиз зарур. Ҳозир давр ўзгараётган бўлишига қарамай, халқимиз сўнгги беш йил ичида жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Ҳозир биз ҳукумат программаси билан танишдик. Бу программа келажакка ишонч бағишламоқда. Бутун республикада бўлгани каби Самарқандда ҳам қийинчиликлар кўп. Ичимлик сув етишмаяпти, уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари ва шу кабилар етишмаяпти...

Янги ҳукумат программаси жуда асосли ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтмоқчиман. Энди гап уни муваффақиятли амалга оширишда қолмоқда. Масалан, программада ҳам йирик, ҳам кичик корхоналар қуриш масаласи ўз вақтида қўйилмоқда. Биз учун бу жуда муҳимдир.

Областнинг хўжалик ҳисобига ўтиш йўли ҳам жуда долзарб. Мен маҳаллий бюджетни тўлдириши мумкин бўлган бир неча даромад манбаини кўриб турибман — улардан бири халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришдир. Ҳозирги пайтда товарларнинг атиги 42 фоизи — енгил саноат корхоналари маҳсулотининг ярми, маҳаллий саноат маҳсулотининг 18 фоизигина областда қолмоқда. Агросаноат маҳсулотларининг атиги 17 фоизи областда қолади. Бу аҳволни тубдан ўзгартириш керак.

Молия базасини мустаҳкамлашда республика Министрлар Совети ёрдам бериши керак, деб ҳисоблаймиз. Иттифоқ қарамоғидаги корхоналарга раҳбарликни областга топшириш зарур. Ҳозир улар фойданинг атиги 8 фоизини маҳаллий Советлар бюджетига ўтказишяпти. Бюджетга ҳеч нарса ўтказмайдиган, корхоналар ҳам борки, бу адолатдан эмас.

Иккинчи томондан, депутатлар айтганларидек, пахта яккаҳокимлигининг тугатилиши чорвачиликни ривожлантиришга, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтиришга ёрдам беради. Одамларни ер участкалари билан таъминлаш ишсизлик муаммосини ҳал қилишга кўмаклашади, областимизда эса ишсизлар сони 200 минг кишидан ошади.

Шундай қилиб, муаммоларимиз кўп, бинобарин биз депутатлар фаол ишлашимиз лозим.

Самарқанд табобат институтининг профессори депутат **В. И. Криворучко** (277-Университет сайлов округи) ўз нутқида экология муаммоларига кўпроқ эътибор берди.

— Тиббий ходим сифатида сўнгги йилларда экология масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдаман. Таассуфки, докладда экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга кам эътибор берилган, бу масалалар қатъий қилиб қўйилмаган.

Ҳақиқатан юз берган экологик вазиятни ҳисобга олмасак, иқтисодиётни қайта қуришга доир ажойиб режаларимиз бажарилмай қолиши ёки барбод бўлиши мумкин. Биз экология вазиятининг области ва шаҳар аҳолисига таъсирини ўргана бошлаганимизда бир йил давомида Самарқанд шаҳрида яшаш саломатлик даражасини шартли сўмга айлантириб ҳисоблаганда 80 сўмлик камайтириши, инсон саломатлигини сақлаш учун эса бизга 60 сўмдан сал кўпроқ ажратилаётганлиги маълум бўлди. Шу сабабли биз ана шу иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олмас эканмиз, у ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасида силжиш ҳам бўлмайди. Экология вазиятини фалокатли даражада деб ҳисоблаш мумкин бўлмаган. Самарқанддаги аҳвол ана шундай, Самарқанд экология жиҳатидан ўртача шаҳардир.

Самарқанд табобат институти ва шаҳар ижроия комитети ҳузурида иш олиб бораётган «Эко» илмий маркази яна бир кўрсаткични — Самарқанд ҳавосидаги чанг келтирадиган иқтисодий зарарни ҳисоблаб чиқди. Бу зарар йилига 4 миллион сўмни ташкил этади. Бу иқтисодиётнинг реал рақамлари бўлиб, янги планларни тузиш чоғида уларни ҳисобга олиш керак.

Сизларнинг эътиборингизни яна шунга қаратмоқчиманки, шу вақтгача бизда экология масалалари маъмуриятчилик-маҳкамачилик ёндашувлари асосида ҳал қилинмоқда. Экология ва табиатдан фойдаланишни ижтимоий-иқтисодий принципларга ўтказиш керак. Яъни ҳозир белгиланаётган янги нархларда фақат ресурслардан фойдаланганлик учун эмас, шу билан бирга табиатдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун ҳақ тўлашни ҳам ҳисобга олиш керак. Ўзбекистон ССР Олий Совети бу муаммога эътибор беради, деб ўйлайман.

Афсуски, бизда ССР Иттифоқи Экология қонунини, бинобарин республика қонунини ҳам нашр этиш пайсалга солинмоқда. Бу соҳада биз кутиб тура олмаймиз, бизнинг ўз регионал муаммоларимиз бор. Ўзбекистон ССРда регион хусусиятларини ҳисобга олиб, экология жиҳатдан соғломлаштириш ва табиатдан оқилона фойдаланиш тўғрисида Президент декретини чиқариш ёки қонун лойиҳасини тайёрлаш лозим. Қонун лойиҳасида республика, область, район, шаҳар табиатдан фойдаланувчи асосий тузилмалар эканлигини ва тегишли ҳуқуқлар уларга берилишини кўзда тутиш зарур. Ана шундагина улар шу Советларнинг территорияларида жойлашган барча табиатдан фойдаланувчиларни тартибга чақириб қўядилар.

Самарқанд шаҳри 1990 йил 1 январдан бошлаб табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий принципларига ўтди. Шаҳарда табиий муҳитни ҳар қандай тарзда бузганлик учун бунда айбдор бўлганлар махсус экология фондига пул тўлайдилар, ана шу фонд маблағлари табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштиришга сарфланади. Ҳозироқ дастлабки «жаримачилар» бор. Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида чиқитлар тўпланадиган идиш ёрилиб кетди, комбинат 3 миллион сўмдан кўпроқ жарима тўлади. Бироқ ана шу жарима пули СССР Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитетининг экология счётига ўтади, маҳаллий бюджетга ўтмайди. Айтмоқчиманки, экология вазияти бузилган Самарқандга бир сўм ҳам қолдирилмайди. Бундай аҳволни тубдан ўзгартириш керак.

Ҳозир Ўзбекистондаги экология вазияти тез чора кўришга муҳтож. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштириш учун махсус илмий марказ тузиш керак. Депутатлар фикримни қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман.

Қорақалпоғистон халқ шоири депутат **И. Юсупов** (481-Кегайли сайлов округи) автоном республиканинг жуда кўп муаммоларига эътибор қаратди.

— Пахта яккаҳокимлиги қарийб бутун Ўрта Осиёни ҳақ-ҳуқуқсиз меҳнаткаш деҳқонлар пестицидлар билан заҳарланган ерда ночор кун кечирадиган ўлкага айлантириб қўйганлиги ҳозир ҳамма учун тушунарли бўлиб турибди. Давлат эса арзон «оқ олтин»ни деб дарёларимизнинг бутун сувини ичиб Орол денгизимизни қуритган «аждарҳо»ни кўрмасликка олиб келди. Илгари биз ичимизда Амударёнинг юқори оқимида яшовчи халқлардан хафа бўлар эдик. Лекин сўнгги вақтда янгича тафаккур бунда ҳеч бир халқ айбдор эмаслигига ишонтирди. Чунки қудратли идоралар уларни ҳам шу йўсинда иш тутишга мажбур қилганлигини кўриб-билиб турибмиз. Аммо ҳеч бўлмаса туя гўшти еган қурилиш рамзига айланиб бораётган ва халқ депутатларининг сайловолди ваъдалари учун энг қулай объект бўлиб қолаётган Туямўйин сув қувуридан ичишга яроқли сув етказиб беринг.

Демократия ва ошкоралик ўз конституцион ҳуқуқлари тўғрисида баралла гапириш имконини берди. Аммо афсуски, ана шу масалаларда ҳозирча автоном республикаларнинг ҳуқуқлари тўғрисида Конституцияга ўзгартишлар киритилганлигини ҳисобга олмаганда ҳеч нарса ҳал қилингани йўқ. Мени тўғри тушунишларингизни сўрайман, мен республикада қорақалпоқ халқининг алоҳида ўрнини таъкидламоқчи эмасман. Лекин бу ўринда гап сўнгги вақтда Ўзбекистон пойтахти автоном республика эҳтиёжларига локайдлик билан қараётгани ҳақида бормоқда. Акс ҳолда Қорақалпоғистон АССР ҳозиргача Тошкентдаги корхоналарнинг эскирган ускуналари ўрнатилган арзимас филиаллари ташкил этилган ярим кустар маҳаллий саноат ўлкаси бўлиб қолганлигини қандай тушуниш мумкин. Бунинг оқибатида аҳоли жон бошига Қорақалпоғистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш умуман Ўзбекистондагина нисбатан икки баравар кам. Мен иқтисодчи эмасман, лекин қолдиқ принципига асосланган иқтисодий сиёсатнинг шафқатсизлигини англайман. Автоном республика валюта, қўшма корхона нималигини ҳали ҳам билмайди. Оқибатда фақат иқтисодий муаммолар эмас, энг муҳим ижтимоий муаммолар ҳам ҳал этилмай қолиб кетмоқда. Бунинг учун маблағлар етишмаяпти.

Адибларимиз газета-журнал комплекси қурилиши бир беш йилликдан иккинчи беш йилликка сурилиб келаётганлигини таъкидлашни илтимос қилишди. Биз 1936 йилдан буён Ўзбекистон ССР таркибида бўлсак ҳам, шу вақтга қадар бирорта қорақалпоқ китоби чет элда чиқмади. Қорақалпоғистон эътибордан четда қолган, ёпиқ зона бўлиб қолди. Қорақалпоғистон сариқ касаллиги ва кам қонлик касаллиги ўлкасига, экология кулфатининг марказига айланди. Биз Орол фалокати муаммоларига доир қарорлардан шу қадар тўйдикки, тўкин-сочинлик ваъзда қилаётган раҳбарларга ҳатто ишонмай қўйдик. Давр Ўзбекистон шимолидаги милиционлаб кишилар бошига тушаётган қуюнни тўхтатишни тақозо этмоқда. Республика Президентининг Оролни қутқариш бўйича шошилинч комиссиясини тузишни ҳамда келгуси авлодларни кўзлаб, инсонпарвар социализм манфаатларини кўзлаб Оролбўйи муаммолари ҳал қилинишига яна ғоят принципиаллик билан эришишни таклиф қиламан.

(Ҳисоботнинг давоми келгуси сонда эълон қилинади).

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссияси раисининг газеталарнинг 25 март сонида эълон қилинган докладида, учинчи абзацдаги жумла қуйидагича ўқилсин:

Ўзбекистон ССР территорияси жойлашган СССР Қуролли Кучлари ҳарбий қисмларидан 7 халқ депутати сайланган.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари (чапдан ўнгга): Ҳ. Нишонбоева — Янгийўл ноҳиясидаги В. И. Ленин номли жамоа хўжалиги аъзоси, З. Рўзматова — Ғалаба ноҳиясидаги «Коммунизм» совхози механизатори, Ф. Мирзаева — Боёвут ноҳиясидаги А. И. Руцкий номли совхоз бригада бошлиғи, М. Очилова — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг назоратчи-бригадири, А. Умматова — Бекобод ноҳиясидаги В. И. Ленин номли жамоа хўжалиги чорвадори.

А. ГОРОКРИК ва Р. НУРИДДИНОВ олган сурат.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ўлкага айланиб қолганлигимиз ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамасдан айрим кишилар жумҳуриятимизни боқиманда деб таъна қилишади. Давлат пахта, қорақўл тери, жун, пилла ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни жуда арзон нархда сотиб олаётганлиги деҳқон, чорвадор меҳнатининг ҳақиқий қийматини қоплamаяпти. Президент эса жумҳуриятнинг иқтисодий масалаларини ҳам ўзи ҳал этади.

Сессияда қишлоқларни социал ривожлантириш бўйича доимий комиссия тузилмаганидан кўнглим тўлмади. Кўпчилик депутатларнинг талабига қарамасдан бу масала кун тартибидан тушириб қолдирилди. Ваҳолонки, қишлоқни социал ривожлантириш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Агар Олий Советда қишлоқ масаласи бўйича алоҳида комиссия тузилганда бу комиссия депутатлар олдида вақти-вақти билан ҳисоб берар ва иш учун масъулият ҳамда жавобгарликни ҳис этган бўлур эди.

Сессияда яна бир нарса менга маъқул бўлмади. Баъзи ҳолларда эскича иш услубига ўтиб кетиляпти. Жумҳуриятнинг янги ҳукумат бошлиғи маърузаси тинглангандан сўнг депутатлар билан очиқ мулоқот бўлмади. Бирданига саволлар ёзма равишда берилсин, деган таклиф бўлди. Натижада тушган саволларга қисқа фурсат ичида умумий тарзда жавоб қайтарилди. Бундан кўпчилик депутатлар қониқишмади.

Жумҳуриятимизда биринчи галда амалга ошириладиган ишлар бор. Кўп қишлоқларда ичимлик сув ташиб келтириляпти. Бу масалани зудлик билан ҳал этиш керак. Масалан, Қўниш қишлоғи аҳолиси 6 километрдан ортиқ масофадан флягада сув ташийди. Клублар йўқ. Республика Олий Совети 1977 йилда Нурота ноҳиясини социал-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарор қабул қилган эди. Қарорда Чуя—Доросой сув омборини қуриш кўзда тутилган эди. Лекин бу қоғозда қолиб кетди. Агар шу қурилиш амалга оширилса, совхозимизда меҳнаткашларни ер ва сув билан таъминлаш масаласи ҳал бўлган бўлур эди.

Сессия кун тартибидаги навбатдаги масалалардан бири «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги СССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети таклифлари тўғрисида»ги масаладир. Бизнинг фарзандларимиз Ўрта Осиё жумҳуриятларида хизмат қилса, деган таклифни жиритмоқчиман. Чунки фарзандларимиз бошқа ҳарбий қисмларда ҳарбий билим ва жанговар техникани чуқур эгаллаш ўрнига текин ишчи кучи сифатида фойдаланиляпти. Бу эса мутлақо нотўғридир.

КЎНГЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

Янгибой МАТКАРИМОВ, Хоразм вилояти, Шовот ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги чорвачилик фермаси мудири:

— Тўғрисини айтишим керак, сессияга йўл олганимда у бундай ўтади деб тасаввур қилмаган эдим. Анжуман бошланди-ю, ундан кўнглимиз анча тўлди. Депутатлар ўзларини эркин сезишяпти. Ошкора фикр айтишга кенг йўл бериляпти.

Республика ҳукуматининг янги раҳбари ўз дастурини баён этгандан кейин кўнглимиз янада равшан тортди. Унинг гапларида сайловчиларимиз бизга қайта-қайта тайинлаб юборган масалалар асосан акс этган эди. Районимиз учун муаммо бўлиб қолаётган анчагина масалалар бор. Булардан энг долзарби қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш, экологик мувозанат бузилиши билан кўпайган касалликларга қарши курашни кучайтиришдир. Медицина кўригидан ўтказилганда аҳолининг салкам 80 фоизи турли касалликлар билан оғриганлиги маълум бўлди. Нима қилиш керак? Аввало, шифохоналар қуриш суръатини ошириш лозим. Сув таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларни ниҳоятда кучайтириш керак бўлади. Ҳолбуки, Туямўйиндан тоза сув олиб келиш йўлида бажарилаётган ишлар бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилида давом этмоқда.

Айтадиган бошқа гапларимиз ҳам кўп. Районда 33 та мактабда болалар икки сменада таълим олмоқда. Ўқишни бир сменадан ўтказиш керак. Бунинг учун эса ҳисоб-китобларимизга кўра 25 та мактаб қуриш керак бўлади. Болалар боғчаларидаги аҳвол-чи? Кичкинтойларнинг бор-йўғи 29 фоизи ясли-боғчаларга қатнаяпти. Уларнинг ҳаммасини марказлашган тарбиявий масканларга жалб қилиш учун 40 та боғча қуриш лозим бўлади. Ички йўлларнинг учдан бир қисми асфальтланган холос.

Кўриб турибсизки, кун тартибига қўймаса бўлмайдиган ишлар кўп. Хоразмлик депутатлар бу масалаларнинг энг долзарбларини жумҳуриятнинг Министрлар Совети олдига қўйишни келишиб олдик.

Халқимизда яхши мақол бор. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар дейишади. Турмуш тарзимизни яхшилаш учун ҳалол, виждонан ишлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш лозим бўлади. Мен етакчилик қилаётган ферма коллективи йил сайин планларни ошириб бажармоқда. Ўтган йили ҳар бир соғин сигир ҳисобига 3446 литрдан сут соғиб олдик. 112 минг сўм соф фойда кўрилди. Ҳар бир чорвадорнинг ойлиги 234 сўмданга айланди. Бу йил бундан ҳам юқорироқ натижага эришишни кўзлаб меҳнат қилмоқдамиз.

ВАЪДА ВАЪДАЛИГИЧА ҚОЛМАСА

Очил ОТАЕРОВ, Самарқанд вилояти, Советобод ноҳиясидаги «Каттақўрғон» давлат хўжалиги бригадири:

— Менга ёққани халқ депутатлари кун тартибидаги масалаларга алоҳида манфаатдорлик билан муносабат билдираётганликларидир. Ўз уйимиз, ўз хонадонимиз, ўлкамизнинг ташвиши ҳаммамизни безовта қилаётгани кўринib турибди. Минбарга шошиб чиқиб тушаётган кишиларнинг жонсараклигини ҳам, сессия залидан туриб берилаётган саволларнинг кўплигини ҳам ана шунга йўйгим келади.

Ҳақиқатан ҳам турғунлик даврида ҳаётимизнинг энг гўзал томонларини таъриф-лашга берилиб кетдик, ўзимизни ўзимиз мақташ билан овора бўлдик. Мана бугун қарабсизки, қатор-қатор ечимини кутаётган масалалар йиғилиб қолибди. Районимизда аҳолининг анчагина қисми, айниқса хотин-қизлар иш билан таъминланмаган. Бу йўналиш бўйича олиб борилаётган ишлар асло талабни қондирадиган даражада эмас. Берилаётган ваъдалар катта-ю ижроси суст бўляпти. Аҳолининг кўпайиши муносабати билан жойларда хом ашёни қайта ишловчи корхоналар қуришни кучайтириш лозим. Бунда аҳолининг йил сайин кўпайиб бораётганлиги ҳам албатта инобатга олиниши керак.

Советобод районида экологик муҳит анча ёмонлашди. Бу ерда жойлашган кон бошқармаси бир қатор хўжаликларимиз ҳудудида заҳарли моддаларни ер остига қуяётгани аҳоли учун қимматга тушмоқда. Шу кечакундузда артезиан қудуқларидан фойдаланиш мумкин бўлмай қолди. Сувнинг таркиби ифлосланганлиги сабабли чорва молларининг ўлиши кўпайди, аҳоли ўртасида касалликка чалиниш ҳоллари ортиб бормоқда. Биз ана шу масалаларга сессия эътиборини қаратмоқчимиз.

Мен бошлиқ бригаданинг меҳнат фаолиятига келсак, қир-адир шароитида ҳар гектар ер ҳисобига пландагидан анча ортиқ 8—10 центнердан ғалла йиғиб оляпмиз. Зотан, республика халқ депутати бўлиш бу имтиёз эмас, балки масъулиятдир. У кундалик ҳаётда ҳам, меҳнатда ҳам кўпчиликка ўрнак бўлиши керак.

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ:

● **Эртаки сабзавот кўчатларини, картошка, беда ва бошқа озуқа экинларн экишни янада тезлаштирайлик. Шунда ҳосил эрта етилиб, эл дастурхони қут-баракали бўлади.**

● Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигини муваффақиятли давом эттирайлик. Ўтқазилган кўчатлар парваришини кучайтириш зарур. Токи бирорта мевали дарахт қуриб қолишига йўл қўйилмасин!

● **Асосий экинимиз — чигит экиш бошланадиган давр ҳам яқинлашиб қолди. Шунинг учун ҳам барча техника воситаларини яна бир бор кўрикдан ўтказиб қўйиш шарт. Ариқ-зовурларни тозалаш, ерларни молалаш, уруғлик тайёрлаш ишлари жадаллаштирилсин.**

● Ҳозир чўпонлар учун масъулиятли давр — қўзилатиш мавсуми қизғин давом эттирилмоқда. Ана шундай қизғин паллада чўпон-чўлиқларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш—маҳаллий партия, совет, хўжалик раҳбарларининг жонажон иши!

Айни кунларда республикамизнинг барча хўжаликлари чигит экишни қисқа фурсатларда якунлаш учун тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказишмоқда. Москва районидаги Усмон Юсупов номли колхоз деҳқонлари ҳам мавсумни интизорлик билан кутишмоқда. Чунки улар барча тайёргарлик ишларини якунлашди. Фақат ер етилса бўлди.

Миришкорларнинг нияти — бу йил 460 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан дурдона кўтариш. Хўжаликнинг 7-бригадаси пахтакорлари ерларга чигит қадашни тезда якунлашга аҳд қилишди. Механизатор Нурмуҳаммад Абдурасулов шу бригаданинг аъзоси. У бу йил 65 гектар майдондаги ғўзага ишлов беради.

Суратда: илғор механизатор Н. Абдурасуловни кўриб турибсиз.

СУРАТ—АХБОРОТ

Жумҳуриятимиз чорвадорлари ҳам баҳорни интиқлик билан кутишганди. Айни кунларда барча қўйчилик хўжаликларида қўзилатиш мавсуми давом этмоқда. Энг муҳими, келажак учун соғлом, бақувват қўзиларни ўстиришга қолдиришдир. Термиз районидаги «Дўстлик» колхози чорвадорлари эса қўзиларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдиришни мўлжаллашмоқда.

Бу суратлар мана шу илғор хўжаликда тасвирга тушириллган. 1. Совет Армияси сафларида йигитлик бурчини адо этиб келган Эркин Баратов яна чўпонлик таёғини қўлга олди. 2. Яйловда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ ва Э. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

КЎКЛАМ ТАШВИШЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги ишлари шарҳи

Ҳозирги кунда республикамизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлиги давом этаётир. Бу йил жумҳуриятимиз бўйича 17 минг гектар майдонда янги боғ-роғлар ва 11 минг гектар ерда узумзорлар барпо этиш мўлжалланган. Айни пайтда Сурхондарё областининг хўжаликларида кўчат экиш ишлари якунланди. Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг маълумотларига кўра шу йилнинг март ойи ўрталаригача 49,2 миллион тўп кўчат ўтқазилди. Ёки вазифа топшириққа нисбатан 49 фоиз бажарилди. Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд областларида, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Агроцелинсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги Давлат кооператив комитети корхона ва ташкилотларида бу борада бирмунча ибратли ишлар қилинди. Шу билан бирга ҳали кўпгина областларда бу иш оқсамоқда. Сирдарё, Жиззах, Тошкент, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида кўчат экиш суръати ҳамон сust.

Бу йил пахта учун ажратилган майдонлар анча қисқарди. Шу муносабат билан бўшаган майдонларнинг кўп қисмига мевали дарахтлар ва ток қаламчалари экилиши зарур. Бу ишга Сурхондарё, Жиззах, Бухоро ва Наманган областларининг хўжаликлари масъулият билан киришдилар. Шу билан бирга Андижон, Фарғона ва Сирдарё областларида кўчат экиш яхши ташкил этилмаган.

Жумҳуриятимизнинг асосий экини — чигит экишга ҳам киришиладиган пайтлар яқинлашиб қолди. Гидрометеорологларнинг хабарларига кўра, апрелнинг дастлабки ўн кунлигида ҳаво айниб, совуқ бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун пахтакорларимиз буни ҳисобга олиб, иш юритганлари маъқул. Айни кунларда ишбилармон деҳқонлар, хўжаликлар, қатор районларнинг пахтакорлари экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриб қўйишди.

Бугунгача мавжуд 37,375 та ҳайдов тракторининг қарийб 36 мингтаси экиш ишларига тахт. 25 мингдан зиёд сеялкалар старт кутмоқда. Лекин Сирдарё, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё областларида тракторларнинг ҳаммаси мавсумга шай эмас.

Халқимизда сифатли уруғ — ҳосил бўлуғ, деган ҳикматли гап бор. Бунга амал қилган деҳқону-сабзавоткор янглишмайди. У эккан уруғ албатта сифатли ниҳол беради. Жумҳуриятимизнинг кўпгина областларида бу иш кўнгилдагидек бажарилди. Умуман ҳаммаси бўлиб 130 минг тоннадан зиёд юқори классли районлаштирилган уруғлик тайёрлаб қўйилди. Бироқ ҳали кўпгина хўжаликлар яхши дориланмаган ёки умуман дориланмаган уруғлик олишга мажбур.

Бугунги кунда барча деҳқончилик хўжаликлари қисқа муддатларда, яъни 8—10 иш кунида чигит экиб бўлишни мўлжалламоқдалар. Бу йилги мавсумнинг энг диққатга сазовор томони шундаки, чигит экиш учун ажратилган майдонлар 160 минг гектарга қисқартирилди. Бу ўз-ўзидан мавжуд чигит экиладиган майдонлардан олинадиган ҳосилдорликни янада оширишни талаб қилади.

Бу йилги об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўпайишига ва турли касалликлар пайдо бўлишига анча қулайлик яратади. Бу ўз-ўзидан мутахассислардан уларга қарши курашиш учун зарур тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу муносабат билан вақтни ўтказмай, карталарнинг четларидаги бегона ўтларни тезроқ тугатиш, коллектор ва суғориш системаларини яхшилаб тозалаш зарур. Ҳозирнинг ўзидаёқ хўжаликларни етарли даражада турли дорилар, муҳофаза воситалари билан таъминлаш, биолабораториялар ишини фаоллаштириш муҳим.

Бу йил обиҳаёт одатдагидан камроқ бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан ерларни экиш олдидан бороналаб, намни тўла сақлаб қолишга эришиш зарур. Бироқ афсуски, чигит экиш мавсуми бошланиши арафасида турганимизга қарамай, айрим областлар ва районларда бу ишга панжа орасидан қараламоқда. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро областларида бу тадбир кўпгина деҳқонларнинг эсидан чиқиб қолди.

Чигит экиладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш учун муҳим ишлардан яна бири ҳозирданоқ компост тайёрлаб қўйишдир. Бу тадбир ҳамма областларда ҳам кўнгилдагидек бажарилмаётир.

Яна бир муҳим масала. Бу пахтакорларни кўпдан бери ташвишга солмоқда. Бугунги кунда кўпгина хўжаликлар дефолиант ва бошқа заҳарли дорилар билан яхши таъминланмаганлиги масаласидир. Заҳарли дорилар етишмаганлиги туфайли уруғликни кўплаб хўжаликлар пахта заводларидан дориланмаган ҳолда ташиб келтирмоқдалар ва экиш олдидан ўзлари эскича усулда формалин билан дориламоқдалар. Шунинг ўзидан анчагина маблағ бой берилмоқда.

Хуллас, Наврўзи олам деҳқонни ҳам, боғбонни ҳам шоширмоқда. Кўкламда сифатли уруғ экиб, яхши кўкартириб олганлар кузда мўл ҳосил кўтаришлари тайин. Бу ишда дала меҳнаткашларига тегишли ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооператив бирлашмаларининг мутахассислари яқиндан ёрдам беришлари шарт. Шундагина деҳқоннинг халқимиз олдида юзи ёруғ бўлади, жумҳуриятимиз пахтакорларининг эса байналмилал бурчга садоқатлари яна бир бор намоён бўлади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ БЎЛИМИ.

• Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуни—амалда

● **Ўзбекистон ССР давлат тили ҳақидаги Қонунда ўзбек тили фан тили вазифасини ҳам бажариши аниқ кўрсатилган. Яъни, илмий ишларни ўзбек тилида тақдим этиш, ўзбек тилида ҳимоя қилиш таъкидланган. Шунингдек, илмий ишлар республика кўпмиллатли бўлганлиги учун рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ тилларида ва бошқа тилларда ҳам ёзилиши, ҳимоя қилиниши ва босиб чиқарилиши мумкинлиги айтилган.**

ИБРАТ ОЛАДИГАН ЖИҲАТ

ЁКИ ФАН ТИЛИ МУАММОСИ

МАЪЛУМКИ, илмий даража олиш мақсадида ёзилган илмий ишлар СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ВАК)га тасдиқлатиш учун ўзбек тилида юборилмай келинган, ҳозир ҳам шундай.

Қонуннинг 9-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз: «Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умумиттифоқ ташкилотлари билан муносабатларда миллатлараро муомала тилини қўллайдилар». Бу фикр 18-моддага зид келиб қолмайдими? Бунинг учун 1,9, 18-моддаларни, уларни ўзаро, бир-бирига мантиқан боғланган ҳолда, қандай амалга ошириш керак?

Қадимдан фан тили анъана бўлган. Лотин тили XV—XVI асрларгача фан ва черков тили эди. Медицина атамалари ҳозиргача ҳам лотинчадир. Араб тили Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда дин ва фан тили бўлиб келди. Ўрта Осиёлик кенг омма, оддий аҳоли улкан олим Абу Райҳон Берунийнинг ўзларидан чиққанлигини минг йилча кейин, унинг асарлари таржима этилгандан сўнг билдилар, бу оламшумул олимнинг қомусий илмидан бебаҳра ўтдилар, бунга Берунийнинг (X аср охири ва XI аср бошида), фан тили тақозосига кўра, ўз асарларини араб тилида ёзганлиги сабаб бўлди (бундай мисолларни кўп келтириш мумкин), бироқ у даврда ўзбек тили ҳали, ҳозирги вақтдагидек миллий адабий тил ёки давлат тили даражасига кўтарилмаган эди.

Ўзбек олимлари илмий асари рус тилида босилиб чиқса фахрланади, бу — яхши, табиий ҳол, бироқ шу асарнинг ўзбек тилида босилиб чиқмаслиги уларни ташвишга солмай қўйди. Агар бундай аҳвол давом этаверса, ўзбек тили ўз имкониятидан маҳрум бўлиб қолаверади, ҳозирнинг ўзидаёқ табиий фанлар бўйича илмий иш олиб бораётган айрим тадқиқотчилар илмий асарни ўзбекча ёзиш қийинлашиб бораётганлигини айтмоқда, чунки бу соҳадаги илмий тил ва унинг атамалари яхши ишланмаган ва илмий услуб жиҳатидан тузук сайқал топмаган.

Чунки Олий аттестация комиссияси (ВАК) илмий даража олиш учун ёзилган илмий ишларни миллий тилларда қабул этмай келди. Шунинг учун бундай илмий ишлар ўзбек тилида ёзилмасди, агар ўзбек тилида ёзилса, албатта таржима қилдирилар эди.

Ҳозир кўпчилик ўзбек тили ва адабиётига оид диссертацияларини ўзбек тилида ёзадилар, сўнг таржима эттиришади, агар ўзлари таржима қилса, таҳрир қилдиришади. Докторлик диссертациясини шу тарзда тайёрлашга унинг ҳужжатлари учун кўплаб пул сарф этилмоқда ва бунинг устига шу тайёргарлик учун бир йилдан ортиқ қимматли вақт кетади. Бу ҳол баъзи кишилар имкониятига тўғри келмайди, бундай ҳолни ижтимоий фанларнинг бошқа соҳаларида ҳам, табиий фанлар соҳасида ҳам кўриш мумкин. Натижада фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш СССР бўйича ҳам кейинги йилларда анча пасайиб кетган.

Фарғона водийси илгаридан ўзбек адабиётининг марказларидан бири бўлиб келганлиги сир эмас. Бу жойда ҳозир учта вилоятда тўртта педагогика институти бор, уларда тўртта ўзбек адабиёти кафедраси мавжуд, аммо бу кафедраларда ўзбек адабиётидан бironта ҳам фан доктори йўқ, бу ҳол юқорида айтиб ўтилган сабаблар билан ҳам боғлиқдир.

Мен бу масалани ҳал этишнинг икки йўлини, уларни ўйлаб кўриш ва улардан бирини ҳозирги жиддийлашган миллатлараро муносабатлар вазияти тақозосига биноан танлаб олиш учун тавсия этаман.

Бири: республиканинг ўзида ВАК (Олий аттестация комиссияси) тузилиши, ўзбек тилида ёзилган ва ўзбек тилида ҳимоя этилган диссертациялар шу жойда тасдиқдан ўтиши керак.

Иккинчиси: ўзбек тилида ёзилган диссертациялар ўзбек тилида ҳимоя этилгач, таржима қилинмаган ҳолда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига таржима қилинган автореферати билан қўшиб юборилади. Одатдагидек, докторлик диссертацияси автореферати икки босма қоғоз, кандидатлик диссертацияси автореферати бир босма қоғоз ҳажмида бўлади, холос. Бунинг учун унчалар кўп харажат ва вақт кетмайди.

В. И. Ленин билиш назарияси ва Л Н. Толстой ҳақидаги асарларида айтишича, фан, санъат ва адабиётининг вазифаси ва иши — битта, у ҳам бўлса, халқнинг онгини оширишдир. Лекин бу иш, бизнингча, асосан миллий тил, она тили орқали амалга оширилади, аммо ўзбек олимлари ўз халқи онгини ўз илмий асарларини кўпроқ она тилида ёзмаслик ва ўз она тилида босиб чиқармаслик орқали оширмоқдалар. Албатта, буни рус тилининг қарийб фан тилига айлантириб юборилганлиги билангина оқлаб бўлмайди, чунки илмий китобларни фақат рус тилида босиб чиқарасан, деган фармойиш йўқ.

Биз рус тилини яхшироқ ўрганиб борган сари аҳлий, маънавий ва маданий жиҳатдангина эмас, балки руҳий ва жисмоний жиҳатдан ҳам янада бақувватроқ бўлиб бораётганимизни аниқ сезиб турамиз, рус тилини билсанг, бой, инқилобий рус маданиятини ўзлаштирасан, дунёнинг ярми билан гаплаша оласан, бу ҳазилакам гапми? Бу деган сўз дунёнинг ярмидаги одамлар дилига йўл топасан демакдир, одамларнинг дилини билиш уларнинг билганини ҳам билиш янада билимдонроқ бўлиб қолиш, уларга яқин, дўст бўлиб қолиш демакдир. Аммо рус тилининг мавжудлиги бошқа халқларнинг тилларини, шу жумладан, ўзбек тилини сояда қолдириб кетмаслиги керак.

Ўзбек олимларининг (уларнинг юбилейлари вақтида босиб чиқарилган) библиографиялари асосида фикр юритсак, ўзбек фанида ҳозир ўзбек тили етакчи эмас, деган хулосага келамиз, далилларга мурожаат қилайлик:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, геология ва минерология олими И. Ҳамробоев 1979 йилгача 219 та илмий асар ёзган шундан фақат биттаси ўзбек тилида. Республика Фанлар академияси академиги, биохимик Е. Тўрақулов 376 та илмий асар ёзган, шундан фақат иккитасигина ўзбек тилида босилган. Академик, математик олим Т. Саримсоқов 146 та илмий асар яратган, шундан фақат биттасигина ўзбек тилида чоп этилган.

Бундай ҳол ижтимоий фанларга нисбатан табиий фанларда кучлироқ. Бу соҳада айниқса, йирик монографиялар ўзбек тилида босилмайди.

Илмий ходимлари ёзган илмий ишларнинг Москвадаги ва СССР Фанлар академиясидаги машҳур олимларга тез етиб бориши ва жаҳон ҳам Иттифоқ миқёсига тезроқ чиқишига бўлган маънавий эҳтиёж бу жараённи янада ўстириб борди, рус тилини ва у орқали фандаги ўз соҳасини тобора теранроқ билишга ва шу билан бирга, илмга раҳбарлик қилиш ишларига ўзида имконият туғдириш ва тезроқ юқори кўтарилиб боришга бўлган хоҳиш ҳам ана шундай сабаблардан бири эди. Аммо оқибатда, илм аҳли ичида ўз она тилига, ўзбек тилига бўлган эътибор ва ҳурмат пасайди.

Ўзбек шоир ва ёзувчилари ўз асарларини аввал ўзбек тилида бостириб чиқарадилар, сўнг китобхонлар, танқид ва жамоатчилик билдирган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, бу асарларнинг саралланган, русча нашрини тайёрлайдилар. Бундан ибрат олса бўладиган жиҳатлар йўқ эмас

Ўзбек тилига давлат тили мақоминнинг берилиши тўғрисидаги Қонун ундаги фан тилига оид бўлган моддаларни онгли ва тўғри амалга оширишни тақозо этади.

У. ТУЙЧИЕВ,
филология фанлари доктори.

• Маҳсулотларимиз элга манзурми?

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бундан буён ҳам диққат марказимизда бўлади. КПСС бозорни тўлдиришда силжишга эришишга имкон берадиган тадбирлар мажмуасини амалга оширишга ёрдам бераверади.
(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИДАН).

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

ШУ ЧОҚҚАЧА МУРАККАБ МАИШИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ТАЙЁРЛАБ КЕЛГАН «ТАШАВТОМАТИКА» ЗАВОДИ ЭНДИ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРАЁТИР.

Завод 1932 йилдан буён асосий маҳсулот билан бирга, истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқармоқда. Тўғри, у пайтларда истеъмол буюмлари тайёрлаш тармоғига кам эътибор берилиб, ҳамма куч ва имкониятлар фақат оғир саноатни ривожлантиришга қаратилганди. Шундай бўлса-да, халқ учун зарур бўлган моллар — темир каравот, қозон, фонарь ва болалар велосипедлари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

1986 йилда заводга Шуҳрат Турсунов директор бўлиб келди.

Иқтисодий ислоҳот масалаларида зарур малака ортгирган ёш раҳбар истеъмол моллари тайёрлашни кўпайтириш, уларнинг хилма-хиллигини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор бера бошлади. Бу борадаги имконият ва резервлар ҳисобга олинди. Зарурий бино, асбоб-ускуна ажратилиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи учта янги участка ташкил қилинди. Мазкур участкаларга бу соҳада анча тажриба тўплаган ишбилармон мутахассислар С. Кулолнц, А. Тиллахўжаев ва С. Решегниковлар бошлиқ қилиб тайинланди.

Участкаларнинг фаолияти алоҳида назорат қилиб бориладиган бўлди. Амалга оширилган ишлар натижаси ҳафта сайин кўриб чиқила бошланди. Камчиликларга холисона баҳо берилиб, ютуқлар таъкидланди, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланди. Илғорлар рағбатлантириб турилди. Шу туфайли истеъмол моллари тайёрлашни яхшилашда дастлабки қадамлар ташланди. Масалан, 1985 йилда атиги 10 дан зиёд турдаги 3293 минг сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 1989 йилда 23 турдаги 5500 минг сўмлик маҳсулотлар реализация қилинди. Бундан олинган иқтисодий фойда салмоқли бўлди.

Илгари корхонада қандай қилиб бўлса ҳам планларни бажариш ҳақида қайғурилган бўлса, энди маҳсулотни янгилаш ва сифатини яхшилашга бўлган талаблар ортди. Истеъмолчи манфаатлари тобора кўпроқ инобатга олина бошлади.

Завод 1988 йилдан ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтди. Ўтган йилдан буён эса меҳнатни ташкил этишнинг такомиллашган шакли — ижара пудрати усулида ишлашга кўчирилди.

Янгича ишлаш одамларда соҳиблик туйғусини уйғотмоқда. Ҳар бир участка, ҳар бир цехда тежамкорликка, резервларни тўла ишга солишга интилиш кучайди. Айниқса, рационализаторлар ҳаракатига кенг йўл очиб берилмоқда. 1989 йилда ишлаб чиқаришга 11 та рационализаторлик таклифи жорий қилинди. Бундан олинган иқтисодий самара 51,2 минг сўмни, шу жумладан истеъмол моллари бўйича рационализаторлик таклифларидан эса 22,8 минг сўмни ташкил этди.

Корхонанинг биринчи участкасида кўпгина хайрли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда харидорбоп буюмлар ҳамда илк тажриба асосида тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилар экан. Бежирим вазалар, туғруқхона учун мўлжалланган аравачалар, болалар ўйинчоқлари, ҳар хил стулларни Н. Зуева, Л. Наумова, В. Шуваев каби илғор ишчилар сифатли қилиб тайёрлаб беришмоқда. Дастлабки тажриба асосида С. Жамолиддинов ва Е. Кузнецовлар иккита дельтаплан яратишяпти. «Меркурий» деб номланувчи бу учиш аппаратларини ҳозирча тахминан 15—20 минг сўмдан сотиш мўлжаллаб турилибди.

— Кўп йиллик иш тажрибамдан бир нарсани тушуниб етдим, — дейди завод директори Ш. Турсунов. — Ҳар бир ишнинг бошланиши қийин кечаркан. Бошландими, ишни жойидан силжитиш ўз-ўзидан осонлашаверар экан. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам айнан шундай бўлди.

Тўғриси, илгарилари ҳам истеъмол буюмлари чиқарилган. Лекин бу иш амалда ўлда-жўлда бўлиб қолган. Биз участкаларни қайтадан ташкил этганимизда уларга тўла мустақиллик бердик. Маҳсулот ҳажмини ўстиришни нархи қиммат моллар ҳисобига эмас, балки кундалик ҳаётда зарур бўладиган арзон буюмлар ҳисобига кўпайтиришни мақсад қилиб қўйдик. Масалан, ҳозир иккинчи ва учинчи участкаларимизда пластмасса тарелкалар, гуллар учун мослаштирилган тувакчалар, қиём солинадиган вазалар, челаклар, пластмасса элаклар, ёшлар сумкалари каби арзон моллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, маҳсулотлар хилма-хиллигига ҳам эришиляпти. Февраль ойининг ўзида қарийб 30 га яқин турдаги истеъмол буюмлари тайёрладик.

Лекин бу соҳада завод фаолиятида анчагина камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Корхона 1990 йилда истеъмол буюмлари тайёрлаш учун тўлиқ моддий ресурслар билан таъминланмаган. Бунинг сабаби нимада? Биринчидан, тўғридан-тўғри шартнома асосида алоқа қилишга ўтган таъминотчи ташкилотлар хом ашё ишлаб чиқаришда қўшимча қувватлар йўқлигини баҳона қилиб зарур материалларни ўз вақтида етказиб беришмаяпти. Иккинчидан эса, республика Моддий-техника таъминоти давлат комитети резервлар камлигини рўкач қилиб, корхонамизга 1990 йил учун ажратилган хом ашё ва материалларнинг 30 фоизини ушлаб қоляпти.

Яна бир муаммо. Заводда меҳнат ва маиший шароитларнинг ночор аҳволдалиги ҳам ишнинг олга силжишига тўсқинлик қиляпти. Ачинарлиси шундаки, истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи участкалар барак типидаги эски мослаштирилган биноларга жойлашган. Бу ердаги санитария воситалари эса ташқари ҳовлига чиқариб қўйилган. Маиший биноларнинг кўпчилиги талаблар даражасида эмас. Ишлаб чиқариш бинолари торлиги учун тайёр маҳсулотларни қўйишга жой йўқ.

Бу муаммоларнинг ҳаммасини корхонага туташ бўлган, фойдаланилмай ётган территорияни заводга бериш ҳисобига ҳал қилиш мумкин. Завод маъмурияти бу борада илтимос билан Тошкент шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилди. Лекин масала ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ. Корхона аҳли 1990 йилда территорияни кенгайтириш ҳақида Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси правлениесининг ранси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Т. Ф. Қодировага наказ берган. Депутат ўз сайловолди ваъдасини унутмай, заводга ёрдам қўлини чўзишидан ишчилар умид қилишяпти.

Очиғи, корхонани янгидан таъмирлаш зарур бўлиб қолган. Бунга биз цех ва участкаларни айланиб чиққанимизда ишонч ҳосил қилдик. Заводнинг ҳозирги биноси қурилганига 30 йилдан ошиб кетган. Шундай аҳвол вужудга келганки, корхона ўз вақтида тубдан реконструкция қилинмаса, бундан буён ёнғиндан сақланиш хавфсизлиги, экология, меҳнат ва маиший шароитлар талабларига жавоб бера олмайди. Тўғри, тармоқ министрлиги яқин орада заводни марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобига реконструкция қилиш ва техникавий қайта қуроллантиришни планлаштирмоқда.

Корхона истиқболи порлоқ. Негаки, завод реконструкция қилингандан сўнг 1995 йилдан бошлаб, барча қувватлар фақат истеъмол моллари ишлаб чиқаришга сафарбар этилади. Ўшанда халққа манзур бўлган маҳсулотлар етказиб бериш ҳозиргига нисбатан икки баравар ошади.

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Литва Олий Совети сессиясида

ВИЛЬНЮС, 28 март. (ТАСС мухбири). Бугун Литва Олий Советининг депутатлари ялпи мажлисда республика муваққат асосий қонунига киритиладиган Литва Олий Совети Президиумининг тузилишига тааллуқли тузатишларни муҳокама қилдилар. Президиум таркибига ранс, унинг ўринбосарлари, Олий Совет секретари ва президиумнинг бевосита депутатлар сайлаб қўядиган бошқа аъзолари — жами 11 киши кириши назарда тутилмоқда. Конституцияга киритиладиган тузатишлар пухта ишлаб чиқиш учун таҳрир комиссиясига топширилди.

Республикада партиялар фаолияти шартларини белгилаб берадиган сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида қандай иш олиб борилаётганлиги ҳақидаги ахборот тингланди. Унда айтилишича, сиёсий партиялар агар улар сафларида 500 ва ундан кўпроқ аъзо бўлса, Адлия министрлигида рўйхатга олинишн мумкин. Қонун лойиҳасида республикада чет давлатлар партиялари ва бошқа ташкилотлари иш олиб бориши ман этилганлиги ҳам айтилган. Сиёсий партиялар ўзга давлатлардан молиявий ёрдам олиши мумкин эмаслиги кўзда тутилган.

Олий Совет Ранси В. Ландсбергис Литва ва унинг теварагидаги сиёсий вазиятни шарҳлаб берди.

Сессия эртага ўз ишини давом эттиради.

МУХОЛИФЛАР НУҚТАИ НАЗАРИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИБ

ТАЛЛИНН, 28 март. (ТАСС мухбири А. Харченко). Бугун бу ерда КПСС билан ташкилий бирликни ёқлаб чиқаётган Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди.

Эстониянинг мустақил Компартияси Марказий Комитети билан ўзаро муносабатлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленумда Марказий Комитет вакилларининг уларнинг Таллин ва Силламяэ меҳнат коллективлари коммунистлари билан учрашувлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

— Барча мураккаб масалалар, шу жумладан молмулк масалалари фақат Марказий Комитетларнинг қўшма мажлисларида — пленумлар, бюро ва секретариат йиғишларида ҳал этилади, — деди ТАСС мухбирига КПСС билан ташкилий бирликни сақлаб қолган Эстония Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, «Эстрибпром» бирлашмаси партия комитетининг секретари В. Ермолаев. — Бунда ўзаро муносабатлар мухолифлар нуқтаи назарларига ҳурмат асосида қурилади.

Пленум республика коммунистларининг Эстония Компартияларида вужудга келган вазият тўғрисидаги фикрини аниқлаш ва шуни ҳисобга олиб, қўйилган вазифаларни ҳал қилишни шу кунниг бош масаласи, деб атади.

ЖУМҲУРИЯТ ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ВА МАКТАБ ИСЛОҲОТИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН.

БОЛА ҚАЛБИ — БАҲОР ЧЕЧАГИ

Донишмандлардан бири, «Бола тарбиясига қачон киришиш керак!» деган саволга, «Бола туғилмасидан олдин» деб жавоб берган экан. Бу ҳазилда жон бор, албатта. Яъни, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак, дейилмоқчи. Демак, ота-онанинг мазкур соҳадаги роли, масъулиятини оширмасдан туриб, мақсадга эришиб бўлмаслиги аён. Қуш уясида кўрганини қилади.

ХУШМУОМАЛАЛИК, ҲАЛОЛЛИК, тўғрилик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик каби яхши хислатлар, ёки буларнинг акси ҳам оиладан бошланади-да. Бола парваришини фақат едиришичириш, кийинтиришдан иборат деб биладиган, кўпроқ ўзининг маишатига берилган, ҳаром-харишни фарқ қилмайдиган, қинғир-қийшиқ ишларга ружў қиладиган ота-оналар камми? Боласи бирон кор-ҳолни бошласа, бунинг учун айбни бировларга, кўпинча эса мактабга тўнкайдиган ота-оналар учрамайдими? Бағри тошлик қилиб ўз жигарбандини «тақдир ихтиёри»га ташлаб қўйганларчи? Фарзанди ёмон йўлга киргани учун жамоат олдида юзи қизартирилган одамни ҳали кўрганим йўқ. Фарзанд тарбиясига лоқайд қаровчи ота-оналарга атоқли совет педагоги Макаренконинг сўзларини эслатиб ўтмоқчиман: «Сиз ота-оналар ўғил ёки қизингизни фақат оила қувончи учун тарбиялаётганингиз йўқ. Сизнинг оилангизда ва сизнинг раҳбарлигингизда келажак граждани, келажак арбоби ва келажак курашчиси ўсиб етишмоқда».

Мен келажак авлод қисмати учун оила масъулиятига ургу берганим ҳолда, мактаб ва жамоатчиликнинг, атроф-муҳитнинг ролини камситмоқчи эмасман асло. Бир болага етти қўшни ота-она, деган гап бор. Бутун жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб киришмас экан, бола таълим-тарбиясидаги ўпирилишлардан чиқиб бўлмайди. Ўсмирларимиз ўртасида такасалтанглик қилиб, кўчанинг ёмон таъсирига, айрим тўс-тўполонларга, ҳатто жиноятчиликка аралашиб, аҳоли тинчини бузиш ҳоллари учраб турганн сир эмас. Мен ана шундай ёмон таъсирлар сирасига гиёҳвандлик, видеосалонларда кўрсатилаётган ҳаёсиз яланғоч томошаларни ҳам қўшаман. Буларда ахлоқсизлик, зўравонлик, фаҳш, ёвузлик, таргиб этилаётгани, улар ўсмирларнинг онги ва руҳиятини заҳарлашдан бошқага ярамаётгани маълум. Матбуотимизда «Кичкина Вера», «Интер қиз», «Менинг исмим Арлекино», «Кунларнинг бирида Америкада» сингари бадиий фильмларнинг салбий йўналишларини қораловчи жиддий мунозаралар бўлмоқда. Ота-оналар безовта, Улар бу фильмларнинг миллий одоб-ахлоқимизга ётлиги, йигитлар билан қизлар орасидаги муқаддас туйғуларни таҳқирлаб, таълим-тарбия ишига путур етказаётганлигидан норозиликлари баён этмоқдалар. Кинолаштириш мутасаддилари эса бу норозиликларни эшитиб эшитмаганга, билиб билмаганга олмоқдалар.

Биронтамиз азиз фарзандларимизга ёмонликни раво кўрамизми-а? Шундай бўлгач, нега энди уларнинг онги-руҳини заҳарлайдиган, куйиб-пишиб олиб борган тарбиявий ишимизни чиппакка чиқарадиган ярамас ҳолларга чидаб турамиз?

Ўғил-қизларимизни мазкур зарарли таъсирлардан қутқариб, уларда инсонийлик, эзгулик, ҳайрли анъаналаримизга муҳаббат, граждан ча бурч, масъулият уйғотишда китобнинг роли беқиёсдир. Ёш китобхонларни ўзига ром этувчи, ўларга яхшилик билан ёмонликни, савоб билан гуноҳни, оқ билан қорани ажратиб олишда кўмаклашувчи асарларимиз борми?

Қайта қуриш шабадаси болалар ва ўсмирлар адабиётига ҳам тегиб, баъзи бир жонланиш юзага келмоқда. Бунга мисол қилиб яқинда Ҳамза мукофотига сазовор бўлган. Х. Тўхтабоевнинг «Ширин қовунлар мамлакатида» романи, Т. Маликнинг «Алвидо, болалигим», «Ф. Мусажоновнинг «Бўш келма Алиқулов», А. Обиджоннинг «Даҳшатли мешполвон» китоблари, Л. Маҳмудов, Н. Фозилов, Ҳ. Шайҳов, С. Барноев, О. Ҳусанов, А. Кўчимовларнинг янги қисса ва ҳикоялари, Қ. Муҳаммадий, П. Мўмин, Т. Адашбоев, М. Аъзам, Т. Йўлдош, Қ. Ўтаев, Ҳ. Имонбердиев ва бошқалар шеъриятидаги, айрим ёшлар ижодидаги сара намуналарни кўрсатиш мумкин. Буларда ҳозирги янгиланиш, поклаиш даврининг зарур тарбиявий муаммолари, турғунлик даврида «мерос» бўлиб қолган нопоклик, мансабпарастлик, кўзбўямачилик каби фожеий фактлар, иллатлар, уларнинг сабаблари, серташвиш кичиклар дунёсининг ўзига хосликлари, изтироблари маълум даражада аксини топди. Аммо, умуман олганда, бугунги адабиётимизни янги даврнинг янги юксак талаблари даражасида деб айтолмаймиз. Чамамда ижодий жонланиш жуда имиллаб бораётгандай. Замоннинг долзарб масалалари — ўсмирлар қалбида ватанпарварлик, байналмилалчилик, меҳнатсеварлик туйғуларини уйғотадиган яхши асарларига эҳтиёж катта. Аксари шоир ва носирларимизда шундай асарларни кўпроқ ва тезроқ яратишга журъат, ғайрат етишмаётгандай. Ижодкорларнинг мактаб ҳаёти, айниқса, қишлоқ болалари билан алоқаси суст, болалар ёзувчиларининг қайноқ жабҳаларга тез-тез сафар қилиб туриши, ёки китобхонлар билан жонли мулоқотлари яхши йўлга қўйилмаяпти. Ижод аҳли учун қайта қуриш, ошкоралик туғдириб берган имкониятлар каттаку, биз улардан етарлича фойдалана олмаяпмиз. Айрим шеър, эртак, ҳикояларни ёзишда шошма-шошарлик, юзакилик, такрор ва жўнликка йўл қўймоқдамиз. Ғоявий-бадиий савияси саёз китоблар ўқувчининг бадиий адабиётга бўлган ҳавасини сўндириб қўйиши мумкин.

Булар устига жамоатчиликни безовта қилаётган яна бир муаммо шуки, мавжуд яхши китобларни ҳам ўз ўқувчисига етказишда гоят нўноқлик қиляпмиз. Сўнгги вақтлар китобхонлик жуда сусайиб кетди. Аввало беш миллионга яқин ўқувчига эга бўлган жумҳуриятимиздa китоб нашр этиш бошқа жумҳуриятларга нисбатан орқада. Китоб тақчиллиги сезиляпти.

ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА китобхонликни йўлга қўйишда муҳим ўрин тутган кутубхоналар фаолиятида камчиликлар кўп. Яқинда телестудия «Болалар ва китоб» деган яхши кўрсатувлар уюштириб, унда ёзувчилар, олимлар, кутубхоначилар ва китобхонлар, рассомлар бу соҳадаги ишларнинг ночорлигидан бонг уришди. Аҳволни қарангки, мактаблардаги кутубхоналарга қандай ишлаш намуналарини кўрсатиш лозим бўлган Тошкент вилоят кутубхонаси қамоқхона қаршисига жойлашган. Ўрнашган жойи ноқулайлиги устига бинонинг ўзи жуда эски тутдай тўкилай деб турган экан.

Кутубхоналарда ўзбек адабиёти асарлари камлигидан болаларнинг талабларини қондириб бўлмаяпти. Масалан, Марказий болалар кутубхонаси жами ўн бир минг китобга эга бўлгани ҳолда, ўзбекча китоблар фақат икки мингтача экан. Кўпгина китобларнинг қоғози, муқоваланиши, расмлар билан безатилиши сифатсиз. Болалар китобларини безаш бўйича мутахассислашган рассомлар йўқлиги ҳам ишга халал бермоқда. Булар устига кутубхоналарда ёш китобхонлар билан китоб муаллифларининг учрашувларини ўтказиш одатга кирмаган. Бот-бот болалар китоби ярмаркалари уюштириб турилса яхши бўларди. Уни фақат йилига бир дафъа бўладиган болалар ва ўсмирлар китоби ҳафталигида уюштириш етарли эмас.

Кичиклар адабиёти маънавий қадриятни оширишда, келажак авлодимизни шонли ишларга тайёрлашда қудратли восита экан, демак бизнинг иш савиямиз ҳам шунга яраша бўлиши керак. Шунақа руҳий озиқлар яратиб берайликки, булар фарзандларимиз ўзларини яхшироқ англаб олишларида кўмаклашсин. Не-не умидлар билан етиштирилаётган ширин-шакар мевалар эли-юртга роҳат-фароғат бағишлайдиган бўлса!

Қандай қилсак болалар китобхонлиги ва умуман болалар адабиёти оёққа босаркин? Шу саволга жавоб изларканман, хаёлимга қуйидаги фикрлар келади:

Даставвал, ёш китобхонларга китоб нашрини, биринчи галда, оригинал адабиётлар нашрини кўпайтириш лозим. Кўпинча шу талаб ўртага қўйилса, мутасадди ўртоқлар «қоғоз етишмаслиги»ни рўкач қилишади. Юзлаб газеталар, неча ўнлаб журналлар, баъзан эса ёстиқдай-ёстиқдай нусхада чоп этишга етишган қоғоз наҳотки болаларимиз тарбияси учун сув билан ҳаводай зарур бўлган китобларга етишмаса?

Иккинчидан, болалар адабиёти билан адабий танқидчилик ўртасидаги «хитой девори»ни олиб ташлаш керак. Йилига «Ёш гвардия» ва «Юлдузча» (ҳозирги номи «Чўлпон») нашриётлари чиқараётган юздан зиёд китоблардан кўпи матбуот саҳифаларида ўз баҳосини олмай қолиб кетади. Болалар адабиётининг сарагини сарак, пучагини пучакка ажратиб берадиган жиддий, холис илмий-таҳлил кам. Ёзувчилар уюшмамиз бош қўшмай туриб, бу соҳадаги қолоқликни йўқотиб бўлмайди. Менимча, уюшмамиздаги адабиётшунослик ва танқидчилик катта кенгаши қошида болалар адабиёти танқидчилиги шўъбаси тузилса, бунга кичиклар адабиёти соҳасидаги мутахассисларни (улар йигирмага яқинлашиб боради) уюштирилса, айни муддао бўлади.

Яна бир таклиф: болалар адабиёти қаддини, мавқеини кўтариш учун илмий марказга эҳтиёж бор. Илгари Фанлар Академияси тил-адабиёти институтида махсус болалар адабиёти сектори мавжуд бўлиб, бу адабиётнинг илмий тарихини яратишга киришганди. Нима учундир бу сектор ёпилиб, унга уюшган бир қисм ходимлар тарқаб кетибди. Уни қайтадан тиклашга зарурат бор. Шу билан бирга бошқа республикалардаги каби бизнинг пойтахтимизда ҳам Болалар китоби уйи ташкил этиш вақти етди. Шунингдек ўқувчиларнинг юқори савияли асарларга чанқоқлигини қондириш ва адабиётнинг ривожини рағбатлантириш мақсадида энг яхши болалар китоблари учун жумҳурият конкурсини уюштиришни таклиф этардим.

Келажагимиз ёш авлод қўлида экан, истиқболнинг залворли юкини у кўтарар экан, бор куч-истеъдодимизни шу авлод манфаатига аямасдан сарфлайлик. Шундай асарлар яратайликки, улар қандай яшаш, қандай курашиш, қандай қилиб бахтга эришувда авлодларимизга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат этсин!

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.



ТАЖРИБА ЎРГАНИБ

Бу суратни Иваново областидаги «Рабочий край» газетаси Штатсиз суратқаш муҳбири В. ЛЕДЕНЕВ «Совет Ўзбекистони» газетаси учун юборган.

Красноволжск ип-газлама комбинати. Замонавий цехлардаги тўқув дастгоҳлари бир зум тинмайди. Ишчилар диққат-эътибори сифатли маҳсулот тайёрлашга қаратилган. Улар орасида турли миллат вакилларини учратасиз. Бепоён Ватанимизнинг турдош корхоналаридан бу ерга улар тажриба ўрганиш учун келишган.

Россиялик дўстлар ёш ишчиларни самимий, очиқ кўнгиллилик билан кутиб олишди. Тўқувчилик касби-сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Моҳир тўқувчи Анна Меньшиковадан унинг шогирдлари манмун. Опа-сингил Виноградовалар мукофоти лауреати А. Меньшиковаанинг иш тажрибаси ҳақиқатан ҳам ўрганса арзигулик. У нормада кўзда тутилганидан анча кўп дастгоҳларни бошқаради. Шогирдларига айтадиган дил сўзлари ҳам кўп. Иш бошланиши олдидан дастгоҳларни қайта кўздан кечириш лозимлигини такрор-такрор уқтиради.

Жумҳуриятимиздан бориб йирик корхонада таълим олаётган ёш ишчилар орасида Дилбар Исҳоқова ва Кенжахон Мирзаева ҳам бор. Бу икки ишчи Марҳамат шаҳридаги корхонада меҳнат қилишади.

Суратда: (чапдан ўнгга): Д. Исҳоқова, Н. Достаулетова (Актюбинск областидан), А. Меньшикова ва К. Мирзаева ўзаро мулоқотда.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ДУРДОНАЛАРИ

Қайта қуриш, демократия ва ошкоралик ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Қайта қуриш, ноширлар фаолиятида ҳам муҳим ўзгаришлар қилмоқда. Бутуниттифоқ «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими ҳам бу борада изланмоқда. *

Маълумки, нашриётимиз асосан Ўзбекистон, қолаверса, Бутуниттифоқ адабиёти дурдоналарини хорижий, биринчи навбатда, шарқ халқлари тилларида чоп этиш билан шуғулланади. Форс, дари, пушту, ҳинди, урду, араб тилларида чоп этилган таниқли ўзбек адибларидан Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Зулфия, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Раҳмат Файзий, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков ва бошқаларнинг асарларини қардошларимиз ўз она тилларида мутоала қилишга муяссар бўлдилар. Китобларни таржима қилишда Манзар Салим, Судхир Кумар Матхур, Пурнима Митра, Шаукет Шардан Мусса, Ҳамзалу Юсуфларнинг улушлари катта бўлди.

Жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши муносабати билан нашриётимизда турли китоблар чоп этиш, ҳусусан болалар адабиёти ўрнини тўлдириш мақсадида жаҳон халқ эртакларини нашр этишга эҳтиёж туғилди. Бу ташаббусни Москва «Радуга» бош нашриёти раҳбарияти маъқуллади. Натижада бўлимимиз «Жаҳон халқлари дурдоналари»нинг 10 жилдлигини нашрга тайёрлаб, чоп этиш бўйича муаллифлар коллективини тузишга киришди. Унга таниқли фольклоршунос олимлар, ёзувчи-таржимонлар ва етук мусаввирларнинг номзодлари жалб этилди. Ўн жилднинг масъул ҳайъатига Ў. Умарбеков, М. Муродов, Тоҳир Малик, Анвар Обиджон номзодлари тасдиқланди. 1992-1996 йилларга мўлжалланган ўн жилдлик асарларнинг дастлабки «Ўзбек халқ эртаклари»дан бошланиб «Рус халқ эртаклари», «Осиё халқ эртаклари», «Европа эртаклари», «СССР халқлари эртаклари» каби номлар билан босмага тайёрланади.

Яқинда ана шу хайрли иш муносабати билан нашриётимизда олимлар, ноширлар, мусаввирлар, таржимонлар йиғилиб, яқин муддатларда амалга ошириладиган юмушлар, ҳар бир жилднинг асосий хусусиятлари, матн танлаш, безаш каби қатор масалалар борасида келишиб олинди.

А. БОБОХОНОВ,
Бутуниттифоқ «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими директори.

Табиат нақадар фусункор



У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

СПОРТ

КЛАССИК КУРАШ:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

◆ Москвада ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақада 300 нафардан зиёд умидли полвон ўзаро беллашди. Мусобақада совет спортчиларидан 7 нафари ғолиблик супасига кўтарилди. Спортчиларимизнинг бу муваффақиятига тошкентлик курашчилар ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Чунончи, А. Гасюмов билан М. Ўрмонов ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди.

ЭРКИН КУРАШ:

ЧЕМПИОННИ ЕНГИБ

◆ Оржоникидзе шаҳрида ёшлар ўртасида мамлакат биринчилиги ўтказилди. Мусобақада тошкентлик Мавлуд Қораиброҳимов беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказди. У 52 килограмм вазнли полвонлар қатори курашиб, ҳал қилувчи учрашувда ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони, арманистонлик А. Геворкян билан беллашди. У ғолиблик супасига кўтарилди.

ФУТБОЛ:

ЭНГ ЯХШИ ДАРВОЗАБОНГА

◆ Таниқли дарвозабон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лев Яшин номидаги совринни таъсис этиш мақсадида халқаро футбол федерацияси раиси Ж. Авелаж номига телеграмма йўлланди. Дарвозабон номидаги совринни жаҳон чемпионатида энг яхши натижага эришган футболчига бериш кўзда тутилмоқда.

ШАРТЛИ ЧАҚИРИҚ — МЕҲР-МУРУВВАТ

МОСКВА, 27 март (ТАСС муҳбири). Барча меҳрибон кишиларга! «Маяк» ва «Юность» ҳаво мавжларида 32 соат Бутуниттифоқ радиоси А. Д. Сахаров номли меҳр-мурувват ва ижтимоий ҳимоя ордени билан биргаликда 30-31 март кунлари хайрия эшиттириши — «Она ва бола» радиомарафонини ўтказади. Радиомарафон давомида тўпланган барча маблағ туғруқхоналар, болалар уйлари, болалар боғчаларини қуриш, тиклаш улар учун ускуналар сотиб олишга, ногирон болаларга (аввало Чернобиль фожиасидан жабрланган ва СПИД вируси юққан болаларга), шунингдек кўп болали ёлғиз оналарга ёрдам бериш учун сарфланади.

Радиомарафон — соғлиқни сақлашдаги энг ўткир муаммолардан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилишга эътиборни жалб этиш имкониятидир.

Радиомарафон ўтаётган вақт мобайнида мамлакатнинг барча жамғарма банкларида СССР Уй-жой социал банкидаги 700809 ва СССР Ташқи иқтисодий банкидаги 87090906/002 (валюта ўтказиладиган счет) счетларига сиз ўтказган ҳайр-эҳсон пуллари қабул қилинади. Москвада, шаҳарнинг энг гавжум жойларида хайр-эҳсонларни қабул қиладиган кўчма пунктлар ишлаб туради.

Реклама ва эълонлар

«Ўсарфильм» Муаллиф бирлашмаси

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кинорежиссёр, кинодраматург, кинооператор, кинорассом, кинобастакор, киношунос, кинодекорация рассоми, киносурат рассоми, либослар кинорассоми, кинопардоз рассоми, кинофильм продюсери, киноовоз оператори, киноҳисобчи ва киноиқтисодчи, киноинженер.

ҲАР БИР МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ФАҚАТ БИР КИШИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ!

КОНКУРС ТАЛАБЛАРИ:

Талабгорлар олий маълумотли (қайси мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалигининг аҳамияти йўқ) ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари шарт.

Талабгорлар аввало ноёб инсоний фазилатларга, қолаверса, ўзига хос тафаккурга, юксак савияга, ўз маънавий оламига эга бўлган истеъдодли кишилар бўлишлари лозим.

Талабгорлар ўзбек мактабини битирган ва ўзбек тилини мукаммал ўрганган бўлиб, инглиз тилини ҳам мукаммал билиши (ёки қисқа муддатда ўрганиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари) мажбурийдир.

Ўқишга ёши 25дан ошмаган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, спортнинг якка кураш турларидан бири билан шуғулланаётган ўзбек йигитлари қабул қилинади. Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Дарсларни ўтиш учун жумҳуриятимиз, қардош жумҳуриятлар ҳамда чет эл киноусталари таклиф этилади. Шунингдек, мамлакатимиз ва чет мамлакатларнинг киноинститутлари, киномактаблари ва киностудияларида кўчма дарслар ташкил этилади.

«Ўсарфильм» олий киномактаби «Ўсарфильм» муаллифи, аспирант ҒАИД ЎСАР БЕКнинг кинорежиссура ихтисоси бўйича илмий ижодий изланишлар ва тажрибалар ўтказиш киноустахонасидир.

Талабаларга ойига 200 сўм миқдорида стипендия берилади. Бундан ташқари, «Ўсарфильм» муаллиф бирлашмасининг ижодий-ишлаб чиқариш ишларига ўз улушини қўшган талабаларга уларнинг қўшган ҳиссаларига ва лаёқатларига қараб ойлик мукофот пули бериб борилади.

«Ўсарфильм» олий киномактабининг талабалари ўқиш давомида иккита 45 минутлик қисқа ҳажмли бадиий ўқув фильмини ва 1,5 соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий диплом фильмини суратга оладилар. «Ўсарфильм» олий киномактабини битирган талабаларга эгаллаган мутахассисликлари бўйича диплом берилади ва улар «Ўсарфильм» га доимий ишга олиб қолинадилар.

Имтиҳонолди суҳбатлари ҳар ойнинг биринчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари, яъни: 7-8апрель, 5-6 май, 2-3 июнь, 30 июнь ва 1 июль, 4-5 август, 1-2 сентябрь кунлари соат 12.00 дан 19.00 гача бўлиб ўтади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 СЕНТЯБРДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Имтиҳонлар фақат мутахассислик бўйича бўлиб, дарслар ҳам фақат ихтисос бўйича ўтказилади.

Машғулотлар 1990 йилнинг 1 ОКТЯБРИДАН БОШЛАНИБ, ўзбек тилида олиб борилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛ.

Ўзингиз билан (агар бўлса) ижодий материал, шеър, ҳикоя, қисса, сценарий, пьеса, роман, чизилган сурат, фотоматериаллар, ихтиролар лойиҳаси, кинофильмлар ёки ҳаваскорлик фильмлари, Сиз саҳналаштирган спектакларнинг режиссёрлик партитуралари ва фотоматериаллари, афишалари, мутахассислик бўйича илмий-ижодий изланишлар ёки Сизнинг истеъдодингизни намоён қилиши мумкин бўлган бошқа асарларингизни суҳбатга олиб келишингизни ёки почта орқали юборишингизни сўраймиз. 10 августгача ижодий асарларини «Ўсарфильм»га топширмаган ёки почта орқали юбормаган, шунингдек, имтиҳонолди суҳбатларидан ўтмаган талабгорлар имтиҳонларга қўйилмайди. Юборилган ижодий асарлар эгаларига қайтарилмайди.

Зарур ҳужжатлар: дипломнинг асл нусхаси (эгасига қайтарилади) ва нотариус орқали тасдиқланган кўчирмаси, саломатлиги ҳақида маълумотнома, меҳнат дафтарчаси, 2 дона 9х12 см., 2 дона 4х6 см., 2 дона 3х4 см. ҳажмли сурат, паспорт, ҳарбий ҳужжат.

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ ЎЗИНИНГ БЎЛҒУСИ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТАДИ.

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи: 700000, Инқилоб ҳиёбони (метронинг «Октябрь инқилоби» бекати), Ленинград кўчаси, 48-уй (Техника уйи). Телефон 32-01-29.

Аҳоли, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ «ОБЛРЕМБИТТЕХНИКА» КОРХОНАСИ

ёзув машинкаларидаги русча ҳарфларни ўзбекча ҳарфларга алмаштириш ва ёзув машинкаларини тузатиш ишларини АМАЛГА ОШИРАДИ

Корхона жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 77-алоқа бўлими, Луначарский катта кўчаси, 42-уй. Телефонлар — 68-56-65, 54-78-88.

СССР Темир йўллар нозирлиги врачлик-санитария Бош бошқармаси, Ўрта Осиё Темир йўллар нозирлигининг врачлик-санитария бошқармаси Италиянинг «ЭКСПОРТ ДЕНТАЛ» фирмаси билан биргаликда

«СТОМАТОЛОГИЯдаги ЯНГИ ИЎНАЛИШЛАР» НОМЛИ

СОВЕТ-ИТАЛЬЯН СИМПОЗИУМИНИ ЎТКАЗАДИ

Симпозиум шу йилнинг 4-5 апрелида Темир йўлчилар саройида ўтказилади. Симпозиумда янги стоматологик асбоб-ускуналар намойиш қилинади ва сотилади.

Сўраш учун телефонлар: 32-48-27, 32-49-57.

•

Театр

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III да **Акажка совчилар** (19.00), 31/III да **Анқовлар чайқови** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Фармонбиби аразлади**, 31/III да **Майсаранинг иши, Драма актёрлари қуйлайди, Фармонбиби аразлади** (билетлар сотилган, 17.00).

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги, маданият ходимлари касаба уюшмасининг жумҳуриятлараро комитети ва Тошкент маданий-оқартув техникуми жамоаси СССР Маданият нозирлиги аълочиси

Закирия Зияевич КАНЗАФАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади

Ўзбекистон луб экинлари тажриба станцияси жамоаси физиологик ўсимликлар лабораториясининг мудири Х. Т. Умаровга онаси

Рисолатхон УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тўқимачилик моллари билан улгуржи савдо қилувчи «Узтекстильторг» идораси директор ўринбосари З. Г. Хўжаевга онаси

Меҳрихон АБДУЖАББОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узэнергоналадка» корхонаси жамоаси «Узинформэнерго» бошлиги А. З. Рафиқовга онаси

Махсума ДОЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ҳайъати Ўзбекистон халқ шоири, драматург

Туроб ТУЛАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот нозирлиги Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, 1919 йилдан КПСС аъзоси

Асқар АКБАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 01207. № 75. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12